

Электр таъминотининг шартномасига

8 – илова

**Энергия таъминоти ташкилоти тармокларига уланган истеъмолчиларниң электр курилмаларининг урнатилган куввати түгрисида  
МАЪЛУМОТ**

**A. Трансформаторлар**

Трасформаторларни урнаташ жойи	Трансформаторнинг паспорт маълумотлари						Шартнома тузиш вақтида уртacha юклама (кВт ёки А)
	Тури	Куввати (кВА)	Кучла ниши (кВ)	Ток (А)	Киска туташув исрофлари (кВт.с)	Салт юриш (кВт.с)	

**B. Бошка ток кабул килувчиликлар**

Электр двигателлар		Электр пайваниллаш аппаратлари		Приборлар		Ишлаб чиқаришинни беритиш		Изоҳ
Сони (дона)	Куввати (кВт)	Сони (дона)	Куввати (кВт)	Сони (дона)	Куввати (кВт)	кВт	Шу жумладан энерготежамкор (кВт)	

**C. Узга субабонент истеъмолчилар**

Истеъмолчиларнинг номланиши, манзилгоҳи	Урнатилган куввати (кВт, кВА)	Электр хисоблагиччининг завод раками	Диспетчерлик номланиши	Тариф, сумм/кВт.с учун	Изоҳ

Истеъмолчик:

М.ў. (Изоҳ)

Имзолар:

М.ў. (Изоҳ)



20





ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА  
БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕЙМОЛЧИЛАР  
УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ  
ШАРТНОМАСИ

№ 67еiан мақома суу

Оштукесиң күб марказынчык

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР  
ИСТЕМЕЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ  
2022 ийл 18 суббота 0065 -сон  
асосида фаолият юритувчи  
Олий мураси 11.7.65  
(туман(шахар) электр таъминоти/корхонасинг номи)  
рахбари Н. Абдуреконов (кейинги ўринларда  
(туман(шахар) электр таъминоти/корхонаси рахбарининг Ф.И.О.)  
“Корхона” деб аталади) бир томондан хамдя Г. Ориев асосида фаолият  
юритувчи Олий мураси 11.7.65 шартиздулар  
(истемолчинг номи)  
рахбари Г. Ориев (кейинги ўринларда “Истемолчи” деб аталади),  
(истемолчичи рахбарининг Ф.И.О.)  
хисоб раками - 0100-65 иккинчи томондан мазкур  
шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истемолчига электр энергиясини

уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истемолчи истемол килинган энергия учун ўз вақтида ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истемолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 200000 кВт.с. реактив - кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 сўмни, тариф бўйича 9000000 ташкил этади.  
тариф түри: табаклаштирилган, бир ставкали ёки ахолга тегизлантирилган (кераклиси ёзгисин)

2.3. Истемолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истемолчи томонидан олинган энергиянинг ҳак тўланадиган ҳакикий микдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиши приборларининг кўрсаткичлари асосида аникланади.

2.5. Истемолчиларниң (майшинистемолчилардан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш асбоболари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишининг бошқа воситалари истемолчининг маблаглари хисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқларикорхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табоқишиштирилган бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган кунинати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истемолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер ҳужаликлари ва сув истемолчилари уюшмаларининг иясос станицинлари, шунингдек Давлат бюджетидан молияларининг иясос станицинлари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка инктларининг табоқишиштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар: ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вактида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимиининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш оркали;

тунги пайт – сутканинг коронги вактида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга кўлланиладиган тарифга тутири келади.

Табақалаштирилган тариф кўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация килинча нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат карори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, ҳар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш асбоблари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади

Истеъмолчи томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юкори тариф гурухи бўйича хисоб китоб килинади.

Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугагандан сўнг ХЭТКнинг ваколатли вакили билан биргаликда хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзив олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўгрисидаги хисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси оркали ҳар ойнинг “30” санасигача худудий электр тармоқлари корхонасига тақдим этади.

Бунда, уланган куввати 750 кВА ва ундан юкори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича хисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларida эълон килади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурлур

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланганхажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўгри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортичка тўловлар тегишили тариф бўйича кВт/соатларда қайта хисоблаб чикилади ва худудий электр тармоклари корхонаси томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади”.

3.6. Истъемолчига энергияни етказиб бериш келгуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий микдори киймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳак тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга ошириш хошишини билдирган истъемолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб, хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдириги тартибида Корхонага мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳак тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаётган истъемолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истъемолчига нисбатан электр тармокларидан тўлиқ узишгacha бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Корхона истъемолчининг энергия сарфи тўғрисидаги хисботи асосида белгиланган тартибида хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичидаги тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини тақдим этади.

Истъемолчи турли тариф гурухларига тегишили бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади

Корхона томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини шакллантирилади ҳамда сотиб олуви чаржидаги мальумотлар кўрсатилган ҳолда электрон раками имзо билан тасдикланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(ACOS: Узбекистон Республикаси Вазирлар Мажхумасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Узаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисобварак-фактуралардан фойдаланишини таомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ни қарори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу Шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармокларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аникланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмагандан, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истъемолчи билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аникланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори қувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истъемолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аникланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишили пайтларига тўлов ҳакини ёзиш учун кўшиб борилади. (6-7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истъемолчилар тўлдиради)

3.9 Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истъемолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоклари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истъемолчи тармокларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, истъемолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоклари корхонасининг электр тармоғига истъемолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармокларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Истъемолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисботни Шартномада

кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун хакикатдан истеъмол килинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов хисоб-варагини ёзди ва Истеъмолчининг шахсий хисоб ракамида бу хакида тегишли белги кўйилади.

Корхона хисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибida ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол килинган электр энергияси учун қайта хисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш асбоблари (манший истеъмолчилардан ташкари) кўрсаткичларни хар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоклари корхонасига белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимили, электрон ёки поча алокаси орқали тақдим этилган хисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат килади.

ЭҲНАТning жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматалаштирилган тизимнинг техник параметларига мувофиқ, бирор бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Худудий электр тармоклари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий хисоб-ракам ва хисобга олиш асбобларининг холати хакида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик килиш тизимига реал вакт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол килганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол килинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия хакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек хисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича карзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблаглари карзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлиқ истеъмол килмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблаглар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейнинг хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойдан кейнти календар ой тугагач карздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибида етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли карорига асоссан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона хар ойда, хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар “истеъмолчи” солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси карзни ундириш учун шартномавий хажмидан келиб чиккан холда Истеъмолчининг банқдаги хисоб ракамига тулов талабномаси кўйиш йули билан, хамда бир

томонлама расмийлаштирилган солиширма далолатнома асосида “ХЭТК” томонидаги мажбурий ундурувга каратишга, шунингдек суд (судларга) ва давлат солик хизмати органлари тақдим этишга хакли.

3.14. Истеммолчини куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги окибатида фойдаланилган энергия учун карздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл кўйилмаганда;

хисобга олиш приборларини касдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш максадидаги уларнинг ишлашига ташкиридан аралашиб хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ўғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноконуни уланиш, талон-тарож килини ёки Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аникланганда;

шартнома, электр таъминоти лойихаси ва техник шартлар мавжуд бўлмаганда;

электр таъминот лойихаси ва техник шартларга мос келмаганда.

3.15. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб, Истеммолчини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

Электр тармоқлари корхоналари томонидан истеммолчининг хақиқатдаги қарздорликларни мавжуд ёки мавжуд эмаслигига аниқлик киритилган ҳолда электр тармоқларидан ажратилади

3.16. Истеммолчи томонидан коидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий хисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармокга қайта уланади (ЭҲНАТГа уланган истеммолчилар бундан мустасно).

3.17. Истеммолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеммолчилар, истеммолчи билан субистеммолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равищада хак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеммолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. Истеммолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеммолчилар, истеммолчи билан субистеммолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равищада хак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеммолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.19. Истеммолчи томонидан истеммол килинган энергияси учун тўлов тарифлари кўйиндиги ҳолларда ахоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисини” ги ЎРҚ 327-сон Қонуннинг 28-моддасига асоссан;

Оилавий корхонни турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда тоинирилар ишлаб чиқарни (ишилар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган такдирда, коммунал инфраструктураны киёнгитпари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва исламике таъминоти) ҳолини тўлашиб ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида ишлаб оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Пасирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фирмойишига асоссан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-матрифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон карорининг 3-бандини бажариш максадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва маиший чиқинидиларни ташиш)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

##### 4.1. Истеммолчи куйидаги ҳукукларга эга:

Истеммолчининг электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб кўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеммол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжаланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши ва суроёттан кушимча микдор учун 100% олдиндан тулов амалга оширилган булиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган маблагни кайтарилишини талаб килиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда стказилган зарарни коплашни талаб килиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажарища юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадбор шахсга) мурожаат килиш.

Истеммолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошка ҳукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

##### 4.2. Истеммолчи куйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеммоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вактида ҳак тўлаш;

эксплуатация килаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация килишда ҳафсизлик техникиси қондларига риоя килинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар берishi:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

егаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш, ижарага расмийлаштириш ёки бошка сабабларга кура кучиб кетгани тақдирда, бу ҳакда электр таъминоти корхонасини ёзма равишда хабардор килиш;

ЭЭХНАТ (АСКУЭ) тизимини баркарор доимий ишлаб туришини таъминлаш;

енергетики тизимишининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеммолчининг биринктирилган телефон ракамига (богланиш нуктасига) «СМС» оркали юборилган

хабарнома, огохлантириш хатларига уз вактида муносабатларини билдириш ва зарур холда дархол энерготаъминот корхонасига аниқлик киритиш максадида маълум килиш;

энергетика тизимининг «Электрохисоб» компьютер дастурига истеъмолчининг биринчирилган телефон раками (богланиш нуткаси)га шунингдек бошка бирон реквизитлари узгарган холда холда истеъмолчи дархол электр таъминоти корхонасига хабар бериши;

Корхона ва “Ўзэнергонспекция” конуний кўрсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши коидалари талабларини бажариш; Корхона вакилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибд рухсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармокларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурӣ биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармокларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юкори бўлган кувватта уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаша ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган кувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Уланган куввати 250 кВа ва ундан ортик бўлган истеъмолчилар мазкур Коидаларнинг I27-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қўйдагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иктисадий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш — умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик — уларни ишлаб чиқариши ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (Ўзгаририлиши) ва янги техника жорий этилишига караб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гурӯхлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариши жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил килиш, электр энергиясининг самарасиз сарфланиши ва истроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва биртираф ўтиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси дарп учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармокларининг энергия ўтказилиши кобилиятини опириши, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруритини аниқлоши мақсидиши (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз кложмариридан ва электр энергияси сарфи месъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтиришни ва электр энергиясини тежишини ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун билимларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигиги электр энергияси сарфининг тасдикланган месъёрларига риоя килиш ва уларни камайтиришни бўйича бенгилашини тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш.

#### 4.3. Корхона куйидаги хукукларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Истеъмолчини электр тармогидан узуб кўйиш;

электр хўжалиги объектларида авариявий холатларни олдинни олиш ёки уларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар куриш зарур булганда истеъмолчини огохлантиришай ва у билан келишмай унга энергия етказиб берини чеклаш;

Корхонанинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳак тўлаш курилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳак тугаганда электр тармокларидан узиш.

Корхона конунчиликка мувофик бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармокларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун Корхона жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоги оркали электр тармокларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмиглаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр хўжалиги объектларини таъмиглаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огохлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор килиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вакти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктиришай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батагфил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартирishлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳакда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар килиш;

Истеъмолчига ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиши, пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофик бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона конунчиликка мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Узбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлали шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган холларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя килмай, электр

худудий электр тармоклари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганды учун;

захира манбай автоматик ишга тушганда, автоматик кайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеммолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеммолчини электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч холатлари хамда фавқулотда авария холатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеммолчи олдида жавобгар бўлмайди.

Электр энергия таъминоти корхонаси узи билан боғлик бўлмаган вазиятлар оқибатида мавжуд бўлган чеклашлар киритилганда, "электр курилмаларни тузилиши қоидалари"нинг 1.2.18, 1.2.19 ва 1.2.20 бандарига асосан истеммолчилар томонидан электр таъминоти ишончлилиги тоифаси (категория)га тугри келмаган (ложиха талаблари бажарилмагандан) холда истеммолчиларда киритилган даъво ва талаблари бўйича келиб чиқадиган низолар бўйича истеммолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариши жараённида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали хал килинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали хал килишининг иложи бўлмаганда, улар конунчиликда белгиланган тартибида хал килинади

## VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда кўлланилмайди ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бирни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги хар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиши муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг хар бирида сакланпётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажralmas кисми хисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташабуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор килган холда ва томонлар ўзаро хисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида ҳабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартериш ва кўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

6.5. Мазкур шартнома талабларида назарда тутгилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январда 22 сон карори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари хамда бошқа амалдаги норматив – хуқукий хужожатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

## VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### ИСТЕММОЛЧИ:

Юридик манзили Бўғимчилик шахарлари  
Хисобраками 01Р234010000300100001010  
Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 20112299

Республика ва маъмалий бюджетдан молиялаштириладиган Истеммолчилар учун:

Бюджет фондининг хисобраками 1000228602217091100025082  
Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 207120687

Бюджетдан ташкири фондинг хисобраками

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар; \_\_\_\_\_ Факс; \_\_\_\_\_ e-mail: \_\_\_\_\_

(Истеммолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди електрон манзил ёзилади)

Кадастр № \_\_\_\_\_

### Статистик кодлар:

ОКЭД \_\_\_\_\_

СООГУ \_\_\_\_\_

СОАТО \_\_\_\_\_

КФС \_\_\_\_\_

КОПФ \_\_\_\_\_

ОКПО \_\_\_\_\_

### КОРХОНА:

Почта манзили Бўғимчилик шахарлари

Хисобраками 22636000200427199411

Банк коди (МФО) 01045 (ИНН) 200475681

ҚҚС тўловчининг коди \_\_\_\_\_

Телефонлар: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

### Статистик кодлар:

СООГУ 93 Самоат шаҳри шаҳар банк

СОАТО Гаронат фабрика

### Истеммолчи:

Олийбеков

М. Ҳ. иштирокчилари Ф.И.О.

### Корхона:

М. Ҳ. иштирокчилари Ф.И.О.

М. Ҳ. иштирокчилари Ф.И.О.

### ХУҚУҚШУНОС ХУЛОСАСИ:

Мазкур электр энергияни фойдаланиш шартномаси Районий хуқуқшуноси 17. 01. 2018 йили

Ўз Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2018-йил 12-квардаги 22-сонли карори талабларига мувофик түзилган. Томонлар ўтасидан мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг конуучилик талаблари монийлик килимайди. Шартнома иштирокчиларининг хукуқ ва маҳбурнотлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatiining шартномавий хукуқий баласи тўғрисидаги конуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобларни мавзаси томонлар ўтасидан конуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўтасидаги низоми хал қилиш тартиби белгиланган.

Хуқуқшунос: \_\_\_\_\_  
(имзоси)